

## Алишер НАЗАР

# ВОЛА (Шеърлар)

### ОҒРИҚЛИ ЎЙЛАРНИНГ ПОЭТИК МАНЗАРАСИ

Ўйчил одамга ҳамиша оғир. Агар у истеъдодли ижодкор ҳам бўлса, оғирлик даражаси яна ортади. Эл бежизга: “Эси борнинг шўри бор”, демайди. Бугунги ўзбек шеърлятида ўйга йўғрилган туйғуларни тасвирлаш етакчилик қилмоқда. Алишер Назар – битганларида кўпроқ ўйчил туйғулар ёки туйғусол ўйлар акс этадиган шоир. Менимча, Алишер роҳатланиб шеър ёзмайди. Унинг битиклари мудом оғриқли изтиробдан азоб билан дунёга келади. Шундай бўлиши табиий ҳам. Қувончдан ким шеър ёзарди? Қувончдан қувониб юрилаверади, шеър ёзиб ўтирилмайди. Чин шеър ҳамиша дарддан туғилади. Олдинлари шоирлар кўпроқ дунё ҳақида ўйлардилар ва шу жўнда ёзардилар. Улар очунни нуқсонсиз кўрмоқ истагини ифода этишга уринишарди. Чунки одамни оламнинг маҳсули деб билардилар. Бугун шоирлар кўпроқ одамлар тўғрисида ўй сурадилар. Негаки, оламнинг қандайлиги одамларга кўпроқ боғлиқ экани англаб етилди.

Алишернинг шеърларини унинг ўзи тўғрисидаги иқдорлардан иборат дейиш мумкин. У – оламу одамиятга йўл фақат ўзи, ўзининг кўнглию амаллари орқали ўтишига иймон келтирган ижодкор. Кўпчилик шеърларда ё туйғу, ё фикр босимлик қилади. Алишер Назар лирикаси ўйларнинг туйғулар, туйғуларнинг эса ўйлар билан уйғунлашуви натижасидир. У туйғунинг фикр етовида юришини истамаганидек, ўйнинг туйғулар ортида қолиб кетишини ҳам хоҳламайди.

“Озодлик” шеърида лирик қахрамон олдиға муқаддас тушунчаю туйғуларға лойиқ бўлишдай юксак талабни ўта таъсирли йўсинда кўяди:

Ахир ҳеч бўлмаса пичирлаб айтгил,  
Бўғзингда музласин изтироб, қайғу.  
Бир марта яшагин, поклангин ахир,  
Илдизи иймонга туташ сўздир бу!

Бу сатрларда озодлик тушунчасининг иймонга туташлиги, демакки, инсонликнинг асл моҳиятини ифодалашни, унга интилиш одам вужудидаги изтиробу қайғуларни музлатиб, покланиш, демакки, чинакамига яшаш имконини бериши акс этади. Шеърнинг кейинги бандида озодлик замиридаги маънолар янада кучайтирилган ва қабарик ҳолда кўрсатилади:

Шу сўзга ўхшайди асли тириклик,  
Асл саодат ҳам шундан бошланар.  
Бу сўзни шунчаки айта кўрмагил,  
Ортидан қон туфлай олмасанг, агар...

Ушбу мисраларда озодликнинг шунчаки бир сўз эмас, балки асл тириклик (ҳаёт)нинг мояси, инсон саодатининг ибтидоси бўлгани учун ҳам у юрак қони билан айтилиши кераклиги ифода этилади.

Шеърда озодликка интилиш, ундагина мавжуд бўлиш одамни очунга қул эмас, хожа бўлиб очиқ назар ташлашининг бирламчи шарти экани **“Сен уни уйғонмоқ учун айтавер, Қанча шахидларни уйғотган сўз – бу!”** мисраларида янада кучлантирилади. Озодликнинг шунчаки сўз эмас, балки одамнинг шахс бўлиш сари босиб ўтадиган олис жанговор йўли экани **“Бу сўзни тинглаб кўр, лек ажабланма, Қиличлар жарангин эшитсанг ногоҳ”** шеърий қаторларида ёддан чиқмайдиган йўсинда муҳрланади. Озод бўлиш одам бўлишнинг ягона шарти экани **“Муқаддас каломдай такрорла уни, Ҳаққа олиб борар буюк сўздир – бу!”** мисраларида акс эттирилади. Бу

хил қаноатларда озодлик тушунчасининг залвори тўлик намоён бўлади.

Одатда, лирик шеърларга сарлавҳа қўйиш оғир кечади. Чунки сарлавҳа йўналганлик, қаратилганлик, бағишланганликни тақозо қилади. Шу боис кўпчилик лирик шеърларда сарлавҳа бўлмайди. Шоирлар шеърда акс этадиган туйғуларини мавзунинг йўналишига солиб, улардаги табиий порлоқлик ва жозибани йўқотгилари келмайди. Аксарият лирик яратикларнинг номланмаслиги сабаби, бизнингча, шунда. Алишер Назар – шеърларини номлашга уста. Буни, эҳтимол, поэтик туйғуларига йўналиш беришга мохирлик дейиш тўғрироқ бўлар. Шоир “Яшашнинг йўли” тарзида номлаган аччиқ кинояга тўла аламангиз шеърда кўзга ташланиб қолмаслик, элқатори кун ўтказиш учун ўзининг ўзлигини, шахслигини синдириб яшашга маҳкум кимса ҳолатини **“Бошингни кўтарма токи бошқалар, Кўрмасин сендаги бу мағрур бошни”** сатрларида акс эттирилади. Бундай одамнинг руҳий олами **“Совуқ болишларга юзингни босма, Жилмайишни ўрган оғир бўлса ҳам”** сингари киноявий ифодалар орқали манзаралаштирилади. Шеърнинг яқунловчи бандидаги:

Саволлар бермагил, саволлардан кўрк,  
Аччиқ жавобларнинг баридан воз кеч.  
Ҳаёт – шу, йўллари равонмас, бироқ  
Кўзни юмиб юрсанг, қоқилмайсан ҳеч!

тўхтами воситасида номаълум суҳбатдошга берилган “доно маслаҳат” битикнинг таъсир даражасини оширган. Шоир поэтик ниятига эришишда парадоксал тафаккур йўсинидан ўринли фойдалана билган. Тасвир оқимининг муайян бир йўналишга солингани таъсирчанликни таъминлаган.

“Ҳақиқат” шеърида **“Занглаб ётар ичимда бир сўз, Ёвқур баҳодирлар қиличи мисол”** тасвири орқали ўта таҳликали руҳий ҳолат ифода этилган. Айтилмагани учун ишлатилмаган қилич

каби занглаб ётган ҳақ сўз юки сабаб лирик қаҳрамоннинг: **“Елкам оғирлашиб боради, бироқ Уйғотиб қўйишдан қўрқаман уни”** тарзидаги иқроор шеърда акс этган фожиа кўламини кенгайтиради. Шеърда қаҳрамоннинг боши борлиги айтилмай, билдирилади. Қандайдир мудроқ яратик сабаб унинг елкаси **“оғирлашиб боради”**. Лирик қаҳрамон ана шу мудроқ мавжудликни уйғотиб қўйишдан қўрқади. Бундай кимсанинг бир умр ўзидан айрилиб яшашга маҳкум экани шеърда **“Ўзимга паналаб кетиб борурман, Ўнларимни мудом тушларга йўйиб... Ва яна ҳеч қачон оғзимни очмай, Тишларимни тишимга қўйиб”** сатрлари орқали бутун фожиаси билан акс этади. Муҳими шундаки, шеърда одатдаги “лирик қаҳрамон”нинг шунчаки лаҳзалик руҳий ҳолати тасвирланмаган, балки чоғдошлар маънавий қиёфасидаги турғун бир иллат аёвсиз ифодасини топган.

Алишер Назарнинг деярли барча шеърларига оғир ахлоқий-маънавий юк ортилган бўлади. Унинг битганларида инжик руҳиятнинг инжа ҳолати ифодаси эмас, балки масъул юракнинг оғриқли иқроорлари акс этади. Шоир битикларида ахлоқсизлик ахлоқ, мослашув яшовчанлик, хиёнат садоқат ўрнида қилинаётган замонда асл инсоний туйғуларни кўмсаш, бу сезимларнинг ҳаммада бўлишини ишташ ҳолатлари акс этган.

Алишер изтироб, соғинч, ёлғизлик сингари мавҳум туйғуларни таъсирли ифодалар орқали моддийлаштира билади. Унинг: **“Шом қуйилиб, аста чўқар кўнгулга, Тош ота бошлайди кўкда юлдузлар”** тарзида бошланадиган “Изтироб” шеъри Ницшенинг: **“Дунёда менинг тасаввурларимдан бўлак ҳеч нарса йўқ”**, - деган ғалати қаноатига ғоят мос келади. Яъни одам борлиқни боридай эмас, балки кўринаётгани ёхуд туюлганидай идрок этади. Нафақат фикр ва туйғу ҳақиқати, балки борлиқни кўриш ва ундан таъсирланиш ҳақиқати ҳам одамнинг ҳолату кайфиятига қараб хилма-хил бўлади. Лирик

қахрамон айнан изтироб чекаётгани учун ҳам шом қуйилиб унинг кўнглига чўккандай бўлади. Маълумки, шом – қоронғулик. Унинг кўнгилга қуйилиши кўнгилнида қоронғулаштиради. Бир-бир потраётган юлдузлар хушбахт одамга тун чаманзорида чечаклар очилиши бўлиб туюлиши шаксиз эди. Кўнглига “*шом қуйилган*” шоирга эса отилаётган тош бўлиб кўринади.

Чайқалар, тўлғонар, мавжланар кеча,  
Юраккача борар туннинг титроғи.  
Гўё кўзларига санчилмоқчидай,  
Кўкда ялтирайди ойнанинг ўроғи.

Одамнинг қаноатлари унинг туйғулари каби омонат. У ўз ҳолати ва кайфиятидан келиб чиқиб, оқни қора тарзида қабул қилиши мумкин ва бу табиий. Дилгир ҳолати боис кўкда ялтираётган ой ўроғи (хиллол) унинг кўзига санчилмоқчидай таассурот қолдиради. Шеър тасвирнинг умумий руҳига монанд йўсинда: “*Қуёш чиқиб келар, тонг отмас сира*” тарзида яқунланади. Кўнгилнинг ёришмагани лирика тили билан шундай ифода этилади.

Поэтик тасвир тажрибасида ёлғизлик борасида муайян қараш шаклланган: кўпчилик унга интилади. Чунки ёлғизликдагина ўзи билан қолиш имкони туғилади. Ўзига хос назарга эга шоир сифатида Алишер “Ёлғизлик” шеърида ёлғизликнинг бошқалар кўрмаган қиррасини кутилмаган йўсинда тасвирлайди: “*Ёлғизликдан жуда кўрқаман, Ёлғизликда адолат йўқдир. Кўзларингга тикилиб туриб, Ҳақиқатни айтар бирма-бир*”. Муаллиф пародоксал фикрлаш йўсинидан фойдаланади. Яъни ҳақиқатни бирма-бир айтишни адолат йўқлиги тарзида изоҳлайди. Шоир ёлғизлик ҳақида ахборот бериб ўтирмай, унинг ички моҳиятини кўрсатишга уринади. Кўрсатгандаям шунчаки мавҳум йўсинда эмас, балки мубҳам ёлғизлик оғушидаги инсон ҳолати орқали

моддийлаштиради: **“Ҳеч нарсадан тўлмайди кўнглинг,  
Юрагингни нимадир ўртар. Юзларингда синиқ табассум  
Кулгуларинг йиғидан баттар”**. Шеър қай йўсин қутилмаганда  
бошланган бўлса, шундай фавкулудда тугалланади:

Ёлғиз қолган одамга қийин,  
Енгиб бўлмас сукунат юкин.  
Ёлғиз қолган одам, ҳаттоки,  
Сен ҳақингда ўйлаши мумкин.

Бу сатрларда ёлғизлик қўйнидаги одам ҳолати тасвирланиш  
ўрнига унинг иқрори келтирилгандай бўлади. Шоирни эса ёлғиз  
каснинг сукунат юкини кўтара олмай, у ҳақда ўйлаб қолиши  
“чўчитади”. Фожей ҳолат ифодасининг авж нуктасини сезилар-  
сезилмас юмор билан уйғунлаштириб тасвирлаш – Алишер  
Назар лирикасининг ўзига хос қирраси.

Алишер Назар ўз битикларида воқеаларни тасвирламайди.  
Унинг шеърларида кўпроқ руҳий ҳолат ва оний кайфиятнинг  
ғоят ўзгарувчан ҳамда ўткинчи манзаралари акс этади. Одам  
воқеалар фонида эмас, балки борлиқ одамнинг руҳий ҳолат ва  
кайфияти фонида тасвирланади. Борлиқнинг муайян ҳолати  
турли интеллектуал даража ва руҳий кайфиятдаги одамга  
тамомила ўзгача кўриниши ва таъсир кўрсатиши шоир  
битикларида яққол акс этади.

Алишер – изтироб ва ўй оғушидаги одам ҳолатини  
тасвирлашга мохир. Номсиз бир шеърдаги: **“Дардларингни  
ёрмоқ истайсан, Ёрилмас у – пишмаган яра. Симилаган  
огриқли кеча Кириб борар ичингга, қара. Вужудингга  
санчилади ел, Сен сесканиб тушасан ногоҳ”** сатрларида  
номаълум изтироблар исканжасидаги кишининг руҳий ҳолати  
ўта рангин ифода этилган. Дардлари ёрилмас ярага айланган  
одам вужудига ел ҳам игнадай санчилиши тасвирга  
ишонарлилик бағишлаган.

Алишер жонлантириш, ташхис санъатлари ёрдамида лирик

қахрамон рухиятидаги сезилмас ўзгаришларнида қабарик бера олади: **“Билмам, қачон ўтдинг бу йўлдан, Оғрийдди қалбимда оёқ изларинг”**. Бу тасвирда юракни билдирмай забт этган фотих музаффариятининг оғрикли оқибати ифода этилган.

Шоир “Кўнгил” шеъри ғоят аламангиз, оғир рухий ҳолатни ўта енгил йўсинда ифодалаш орқали кучли бадий эффе́ктуга эришган:

Сотилади... кўнгил бор,  
Ҳали тирик, ўлмаган.  
Фақат у меҳрга зор,  
Бирор марта кулмаган.  
Бир жойида доғи бор,  
Шундан нархи баланддир...

Меҳрга зор, бирор марта кулмаган, лекин ҳали тирик, кераксизлиги учун кўнгилнинг сотилиши, бир жойида доғи борлиги унинг нарҳини баланд қилиши йўсинидаги аралаш, хаотик тасвир бу ифодаларга собит интизом ва таъсирчанлик бахш этади. Шеърда тилга олинган иллатлар фазилатга эврилади. Битикнинг ўйноқи ва енгил оҳанги рухий фожианинг залворини оширади.

“Куз” шеърда шоир тасвир объектининг ташқи жиҳатларини унинг ички ҳолати билан уйғунлаштириш орқали поэтик маънони кучайтиришга эришган: **“Мағрур бошларин силкиб, Шовуллайди тераклар. Пойимда ётар беҳол Ловуллаган юраклар”**. Бу сатрларда кузда йўқликка кетаётган табиат унсурлари ҳолатини тасвирлаш орқали ўзининг умр кузаги тўғрисида оғир ўйларга толган замондош ҳолати акс этади. Теракларнинг кузги оловранг япроқларининг ловуллаган юракларга менгзалиши бир вақтнинг ўзида ҳам ташқи ўхшашлик, ҳам мағрур бош эгалари юраги кундалик тирикчилик оёғи остида қолишини кўрсатишдай функционал яқинликни ифодалаш имконини берган. Шоир умрнинг беаёв ва

шафқатсизлигини куз образи орқали ғоят таъсирли ҳамда оригинал акс эттиради: **“Куз бешафқат, беаёв Ғорат этар барини. Теграмда ўйнар шамол Вақтнинг синиқларини”**.

Алишер Назар шеърларида ўта нозик руҳий ҳолатлар манзарасини чизишни хуш кўради. “Бир одам” шеърида умри беғалва, беташвиш ўтаётган кимсанинг армонли руҳияти акс этади. Одатда, одамлар душмани кўплигидан хуноб бўлиб, ёзгириб юришади. Ушбу шеър қаҳрамони эса душмани йўқлиги, унга ҳеч ким қарши эмаслиги, ҳасад қилмаётгани, ўтаётган карвонига итлар ҳуриб ташланмаётгани, душмандан қутулишни ўйлаб узун кечалар ўй суришга мажбур бўлмаётгани, юрагида санчиқ йўғидан қийналади. Кимгадир, негадир қарши бориш, тўсиқларга йўлиқиш ва уларни енгиб ўтиш, бу йўлда қийинчиликларга учраш ҳам инсоний умр деб аталмиш кечимнинг безаги экани шу йўсин яширин тарзда акс этади. Шеър ўзига хос ҳазиломуз шаклда тугалланади:

Алам қилар унга шуниси,  
Ўтиб борар беғалва, бесас.  
Курашгиси келар унинг ҳам  
Лек арзирли ғаним топилмас.

Алишернинг лирик шеърларида руҳият ташқи безак эмас, балки ички моҳият сифатида намоён бўлади. У тасвир асносида ҳодисадан кўра ҳолат ва кайфиятни теранроқ акс эттиради. Буни кўлингиздаги китобга кирган шеърларни ўқиш асносида ўзингиз ҳам пайқайсиз деб ўйлайман.

Алишер Назар битикларининг фазилатлари борасида янаям кўпроқ сўзлаш мумкин эди. Лекин бир пайтлар у мен билан қилган суҳбатидаги: **“...сўнгги пайтларда бадиий асарлар ва уларнинг ижодкорлари ҳақида фикр билдирганда, бироз муболагага ва юзхотирликка берилаётгандексиз...”**, деган эътирози ёдимга тушиб қолди ва сўзбошини бироз қисқароқ қилақолдим.



*Қозоқбой ЙЎЛДОШ,  
Педагогика фанлари доктори, профессор.*

*2014 йил 25 июн – 11 июл.*

## ОЗОДЛИК

Ахир ҳеч бўлмаса пичирлаб айтгил,  
Бўғзингда музласин изтироб, қайғу.  
Бир марта яшагин, поклангин ахир,  
Илдизи иймонга туташ сўздир — бу!

Шу сўзга ўхшайди асли тириклик,  
Асл саодат ҳам шундан бошланар.  
Бу сўзни шунчаки айта кўрмагил,  
Ортидан қон туфлай олмасанг, агар...

Энг катта шодлик бу, энг буюк фарёд,  
Боболар қонида жўш урган туйғу.  
Сен уни уйғонмоқ учун айтавер,  
Қанча шаҳидларни уйғотган сўз — бу!

Ёвқур баҳодирлар руҳи бор унда,  
Олис кечмишлардан этади огоҳ.  
Бу сўзни тинглаб кўр, лек ажабланма,  
Қиличлар жарангин эшитсанг ногоҳ.

Сен уни авайла, бағринга босгин,  
Юрагинг кўрига яширгин мангу.  
Муқаддас каломдай такрорла уни,  
Ҳаққа олиб борар буюк сўздир — бу!

## ҲАЁТ

Ярим кеча.  
Ярим дил...  
Шамоллар бошлар хониш.  
Орзуга тилаб оқ йўл,  
Мудраб ётади ташвиш.

Оқ от келар... тушида,  
Қадрдон от, ювош от.  
Вожаб, у тишида  
Келтиради бир сават.

Ногоҳ чўчиб уйғонар,  
Хуркиб кетади оти.  
Не умид билан қарар,  
Бўм-бўш турар савати.

Кўкка термулар гирён  
Ғижимлаб у дунёни...  
Ахир қирқ йилдан буён  
Кўради шу рўёни.

Қирқ йилдирки дил нолон,  
Орзулар боши эгик.  
Бу сават тўлар қачон?  
Ҳой, оқ отли — тириклик!

## ЙЎЛОВЧИ

Кетиб борар ҳорғин йўловчи,  
Ёлғизоёқ сўқмоқлар аро.  
Рутубатли самоватлардан,  
Шом қўйилиб келар тобора.

Олисларда бойқушлар сайрар,  
Чорлагандек бўлади кимдир.  
Йўл четига ташлаб жандасин,  
Чўзилади ҳорғин мусофир.

Самоларга кетар хаёллар,  
Тушиб келар юлдузлар бари.  
Сукунатни бузади гоҳо,  
Туннинг оғир хўрсиниқлари.

## **ЯШАШНИНГ ЙЎЛИ**

Келдингми,  
бас, энди ортингга йўл йўқ,  
Тошга айлантиргил энди бардошни.  
Бошингни кўтарма,  
токи бошқалар  
Кўрмасин сендаги бу мағрур бошни.

Юлдузлар меники,  
ой меники де,  
Кўнгил тўлиб турсин,  
киролмасин ғам.  
Совуқ болишларга юзингни босма,  
Жилмайишни ўрган оғир бўлса ҳам.

Саволлар бермагил,  
саволлардан кўрк,  
Аччиқ жавобларнинг баридан воз кеч.  
Ҳаёт — шу, йўллари равонмас, бироқ  
Кўзни юмиб юрсанг қоқилмайсан ҳеч.

\* \* \*

Ҳар не ўтди, ичимга ютдим,  
Ютавердим...  
Ва тўлдим лим-лим.  
Энди тошиб боряпман, қара,  
Ахир Айюб эмасман, Тангрим!

Кўзларимга санчилар кунлар,  
Кечаларнинг шароби тахир.  
Мен Юнусдек кетолмам бундан,  
Қутқазгувчи балиқ йўқ ахир!

Ҳар не борки унинг амрида,  
Шамоллар ҳам тинглар эди жим.  
У Сулаймон эди... менинг-чи,  
Ўзимга ҳам етмайди кучим.

Кўзларимга солмоқда қутқу,  
Бу фанонинг ёлғон жилваси.  
Мен дунёга чўкиб боряпман,  
Келмайдими Нуҳнинг кемаси?

## **ШАВҚ**

*Ҳой девона, йўлдан қоч  
Келадир руҳи мастим.*

*Ҳалима Аҳмедова*

Мен Уни топсам, ўзга  
Ёрлар билан ишим йўқ.  
Бу йўлда бошга ёққан  
Қорлар билан ишим йўқ.

Қоч йўлдан, руҳи мастман,  
У баландда, мен пастман.  
Маломат этсанг этгил,  
Орлар билан ишим йўқ.

Ай, осмон бунча узок,  
Юрагим олақуроқ.  
Қанотсиз учиб кетгум  
Сорлар билан ишим йўқ.

Воҳ, умрим бунча талаш,  
Қачон қилдим хомталаш?  
Энди бўйнимда турган  
Дорлар билан ишим йўқ.

Билгум, бу йўл узокдир,  
Қаршимда минг тузоқдир.  
Бироқ йўлимда ётган  
Морлар билан ишим йўқ.

Мен сени топсам бўлди...



## ИЗТИРОБ

Шом қуйилиб аста чўкар кўнгилга,  
Тош ота бошлайди кўкда юлдузлар.  
Жунжиккан боғларни оралаб келган  
Девона шамоллар нимадир сўзлар.

Чайқалар,  
тўлғонар,  
мавжланар кеча,  
Юраккача борар туннинг титроғи.  
Гўё кўзларига санчилмоқчидай,  
Кўкда ялтирайди ойнинг ўроғи.

У тунни сипқорар — қисмат майини,  
Кўзларида бедор мунгли хотира.  
Осмон эшикларин очади аста,  
Қуёш чиқиб келар...  
тонг отмас сира.

## ҲАҚИҚАТ

Занглаб ётар ичимда бир сўз,  
Ёвкур баҳодирлар қиличи мисол.  
Шунинг учун ҳам мен сенинг кўзингга,  
Тик қаролмам эҳтимол.  
Шунинг учун ҳам мен бесас, бесадо,  
Яшаб ўтмоқдаман ҳар битта кунни.  
Елкам оғирлашиб боради, бироқ  
Уйғотиб қўйишдан қўрқаман уни.  
Ўзимга паналаб кетиб борурман,  
Ўнгларимни мудом тушларга йўйиб...  
Ва яна ҳеч қачон оғзимни очмай,  
Тишларимни тишимга қўйиб...

\* \* \*

Бир осмон бўлсайди юлдузлари мўл,  
Ва унда ой бўлса — кимса кўрмаган.  
Сен шундай покиза дунёлар аро,  
Бир йўл кўрсатсайдинг ҳеч ким юрмаган.  
Кетсам...  
Самоларга туташса бу йўл,  
Кетсам...  
Дунёлардан юмиб кўзимни.  
Шу азим йўлларнинг сўнггида бир кун,  
Ё Раб, кўриб қолсам ногоҳ ўзимни.

## ХАТО

Мўлжаллаб тепкига борди бармоқлар,  
Қўрқардим, қўллари титрарди дир-дир.  
Ох, тепки босилди!  
Мен эса тирик!  
Кўксини чангаллаб йиқилди кимдир.

Ай ношуд сайёдим, ай, ношуд сайёд,  
Шунчалар эдими мендаги қасдинг?  
Ўқинг юрагимга қадалганида,  
Мен бунча ўлмасдим,  
Бундай ўлмасдим!

## УЙҒОНИШ

(Туркум)

### I

Кўйиб юборгиси келмас феврал,  
Кулиб турар оппоқ юзлари билан.  
“Хайр” деб жўнайман, дилимда малол,  
Бироқ у эргашар музлари билан.

Совуқ кўлларида бир парча умрим,  
Мартгача ортимдан келар эргашиб.  
Мен эса буйруққа бош эгганча жим,  
Яна бир баҳорга кираман шошиб!

### II

Мен сени танидим,  
Яйдоқ дашт аро,  
Оқ-сарик кўйлақда турардинг ҳайрон.  
Тегрангда ивирсир сонсиз хотиндай,  
Мартда ҳам кетмаган феврал ҳамон.

Нега бевақт йўлга чиқдинг, сингилжон?  
Сени ким алдади, қайси бағритош?  
Нега ҳаётингни қўлтиқлаб чиқдинг?  
Нега умидингни этиб қўйдинг фош?

Қара, бу кеч қандай жунжикар олам,  
Шамоллар изиллаб келар сен томон.  
Ай сен, изғиринда қолган умидим,

Энди қолармисан тонггача омон?!

Нега бевақт йўлга чиқдинг сен...

### III

Булутларнинг подасин  
Ҳайдаб юборди шамол.  
Қирлар оқсоч бошига  
Танғиб олди кўк рўмол.

Осмон қобоғин очди,  
Тоғлар кўтарди бошин.  
Қуёш артди эркалаб  
Майсаларнинг кўз ёшин.

Тунда ҳилол жунжикиб,  
Сойга ўзин ташлади.  
Ноғора қилиб уни  
Тошлар қўшиқ бошлади.

Тумтайиб олган боғлар  
Эснаб қўяр дамбадам.  
Ё Унинг келишини  
Гуллаб қўйдими бодом?

### IV

Сочларингни силар тонгнинг еллари,  
Қўлларингдан тутиб ортидан бошлар.  
Ногоҳ кўзинг тушар — олча шохлари  
Хуснбузар тошган ўсмирга ўхшар.

## V

Япроқлар жилмаяр субҳи содикда,  
Булутлар кўз ёшин кўксига тақиб.  
Менга ҳамла қилар бокира ҳислар,  
Бодом гулларидан кўксимга оқиб.

Ғунчалар лабида ўзгача ибо,  
Ўриклар шохида чиройли исён.  
Табиат соз чалар, ўйнар қалдирғоч,  
Оламни забт этмиш фасли ҳаяжон.

Қайгадир ошиқар сархуш капалак,  
Лола ўсма тортар силқитиб кўзни.  
Оламда бир ажиб малоҳат, ишва,  
Жаннатий чоғларда кўрасан ўзни.

Сочларимни ўйнар ўйноқи еллар,  
Юракка қуйилар ғулулар оқиб...  
Кўшиқ айтгим келар ялпиз ифорли  
Заминга айланган дунёга боқиб.

## ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизликдан жуда қўрқаман,  
Ёлғизликда адолат йўқдир.  
Кўзларингга тикилиб туриб  
Ҳақиқатни айтар бирма-бир.

Овутмоқчи бўласан ўзни,  
Самоларга тикасан кўзинг.  
Ўксиб-ўксиб йиғлагинг келар,  
Негалигин билмайсан ўзинг.

Олисларга термуласан жим,  
Шамолларга кўнгил ёрасан.  
Кетгинг келар бош олиб, бироқ  
Бу бош билан қайга борасан?

Ҳеч нарсадан тўлмайдди кўнглинг,  
Юрагингни нимадир ўртар.  
Юзларингда синиқ табассум,  
Кулгуларинг йиғидан баттар.

Ёлғиз қолган одамга қийин,  
Енгиб бўлмас сукунат юкин.  
Ёлғиз қолган одам ҳаттоки  
Сен ҳақингда ўйлаши мумкин.



\* \* \*

Қоқ ярим тун.  
Хотирни алдаб,  
Ташқарига чиқасан секин.  
Бироқ сени маҳкамроқ сиқар  
Кўнглингдаги ечилмас тугун.  
Дардларингни ёрмоқ истайсан,  
Ёрилмас у — пишмаган яра.  
Симиллаган оғриқли кеча  
Кириб борар ичингга, қара.  
Вужудингга санчилади ел,  
Сен сесканиб тушасан ногоҳ.  
Кўлларингдан торткилаб аста  
Самоларга бошлайди бир роҳ.  
Бу йўл қайга?  
Манзил қаёқда?  
Айтгил, қайда ечилар тугун?  
...Кетиб борар кундуз оралаб,  
Кетиб борар парчагина тун.

## ЭЙ, СЕН...

Келганимдан буён кўнглим тортқилар,  
Бири тушим, бири ўнгим тортқилар.  
Ҳали ўлмай туриб сўнгим тортқилар,  
Эй Сен, бу ожизни кимларга бердинг?

Кунларим ўтмагай, қолиб бородур,  
Кўнгилга хавотир солиб бородур.  
Кун сайин бир соғинч қолиб бородур,  
Эй Сен, бунча маҳзун кунларга бердинг?

Йиллар ўтиб борар ёнимдан бесас,  
Кимнидир чорлайман, овозим етмас.  
Шу сабаб дилимнинг қароси кетмас,  
Эй Сен, қачон қаро тунларга бердинг?

Умр — пойимдаги хазондир сим-сим,  
Кўксимни куйдириб борар бир тилсим.  
Ахир еру осмон, самоларинг жим,  
Эй Сен, нечун бу беунларга бердинг?

Айт-чи, бу ожизни кимларга бердинг?

## ҚАЙҒУЛИ СУҲБАТ

*Синглим Тозагулга*

— Эна... эна, кўркиб кетяпман,  
Кетмайсизми энди духтирга?  
— Оҳ, болам-а, билмам неча кун,  
Сенинг билан қоламан бирга.  
— Кейин қайга кетасиз, эна?  
— Осмонларга учиб кетаман.  
— Мен сиз билан бораман, эна!  
— Йўқ... бир ўзим кўчиб кетаман.  
— Эна, осмон жуда узоқ-ку!  
Мен соғинсам нима қиламан?  
— Болам, тунлар самога боқсанг,  
Мен энг ёруғ юлдуз бўламан.  
— Эна, сизга бир гап айтайми?  
Сўзларимга тутинг-да қулоқ.  
Кеча отам оғилхонада  
Нимагадир йиғлади узоқ.  
— Болам, буни ҳеч кимга айтма,  
Отанг ўзи кўнгли бўш одам.  
— Бугун эса тандирхонада  
Йиғлаб-йиғлаб нон ёпди опам.  
— Воҳ... болам, сен йиғлама ҳечам,  
Ҳар не ўтса ичингга ютгин.  
Гоҳо меҳрим чорлаган кезлар  
Сен опангнинг қўлидан тутгин.  
— Эна, менинг уйқум келяпти,  
Ушлаб ётай рўмолиз учин...  
— Болам мен ҳам ухлайман энди,  
Сенга мангу туш бўлмоқ учун!

## КЎНГИЛ

Сотилади... кўнгил бор,  
Ҳали тирик, ўлмаган.  
Фақат у меҳрга зор,  
Бирор марта кулмаган.

Бир жойида доғи бор,  
Шундан нархи баланддир.  
Келолмайди харидор,  
Тахти хўб сарбаланддир.

Осмон эрур сирдоши,  
Ерликларга ҳуши йўқ.  
Тоғлардан мағрур боши,  
Пастлар билан иши йўқ.

Гуллаган хазонларда  
Сиғмайин тўрт томонга.  
Гоҳо у азонларда,  
Кетиб қолар осмонга.

Сотилади... кўнгил бор,  
Чорлайвергум, толмасман.  
Қирқ йилки бехаридор,  
Даллолга беролмасман.

Сотилади... кўнгил бор...

## **КУЗ**

Сарғарган боғлар аро  
Кезинар оғриқ сим-сим...  
Куз еллари бағрида  
Кетмоқда парча умрим.

Мағрур бошларин силкиб  
Шовуллайди тераклар.  
Пойимда ётар беҳол  
Ловуллаган юраклар.

Маҳзун-маҳзун елларнинг  
Ётар юракка тиғи.  
Кўзларимни куйдириб,  
Келар бир улкан йиғи.

Куз бешафқат, беаёв  
Ғорат ётар барини.  
Теграмда ўйнар шамол,  
Вақтнинг синиқларини.

\* \* \*

Менинг талош умримга  
Ёрлар келиб кетдилар.  
Билмадингми бошима,  
Дорлар келиб кетдилар.

Хазонларда кетди дил,  
Азонларда кетди дил.  
Чорлайвердим исмингни,  
Зорлар келиб кетдилар.

Гоҳо олислаб кетдинг,  
Гоҳо Ўзинг беркитдинг.  
Шунда икки жаҳона  
Торлар келиб кетдилар.

Кўрдим аҳли дунёни,  
Риёни-ю рўёни.  
Кўз олдимда вожаб,  
Хорлар келиб кетдилар.

Энди Ўзинг кул этгил,  
Ишқингда ёқ, кул этгил.  
У кун Сендан умиди,  
Борлар келиб кетдилар.

## **БИР ОДАМ...**

Бу одамга алам қилади,  
Қаршисида мудом бир тилсим:  
Нега унинг душмани йўқдир?  
Нега унга қаршимас ҳеч ким?

Нега унга ҳасад қилишмас?  
Ёки ҳеч ким келиб урмас дўқ?  
Кўчалардан карвони ўтар,  
Хурадиган бирорта ит йўқ!

Узун-узун режалар тузмас,  
Уйқу қочмас олис тунлари.  
Сочларида бирорта оқ йўқ,  
Юрагида йўқ санчиклари.

Алам қилар унга шуниси,  
Ўтиб борар беғалва, бесас.  
Курашгиси келар унинг ҳам,  
Лек арзирли ғаним топилмас.

## ОШИҚ

Аввал уни гил қилдинг,  
Сўнг авайлаб гул қилдинг.  
Ошиқ қилиб Ўзингга,  
Бир ажойиб дил қилдинг.

Бормокка бир йўл бердинг,  
Ўнг бердинг ва сўл бердинг.  
Энди аро йўлдадир,  
Оёғига ғул бердинг.

Дунё — дев, Қора ботир,  
Йўлда ястаниб ётир.  
Ҳатлаб ўтолгайми у,  
Наззора этмасанг бир!

Йўллари чағир келди,  
Умиди сағир келди.  
Ўзинг енгиллатиб бер,  
Юки кўп оғир келди.

Ерга ташлаб қўймагил,  
Сирга ташлаб қўймагил.  
Ўзи билан ўзини  
Бирга ташлаб қўймагил.

Бир кун бу жом тўлгайдир,  
Висол насиб бўлгайдир.  
Чунки бу гумроҳ қулинг  
Ҳимматингни билгайдир.



\* \* \*

Туш кўраман.  
Бирам оғир туш кўраман,  
Рўпарамда бир қанотсиз куш кўраман.  
Бечорага дон берай деб аста очсам,  
Елкамдаги хуржунимни бўш кўраман.

Уфқларда кимдир чорлар, етолмайман,  
Айрилиқдан сира ҳатлаб ўтолмайман.  
Сен маломат қилишингни қўймайсан ҳеч,  
Ғафлат босиб ётар, туриб кетолмайман.

Ҳар на қилсам, кўксимдаги азалий сир,  
“Аё нодон, сим-симларга очилмас” дер.  
Бу эшикни очиб бергил энди менга,  
Ўнгларимни, тушларимни тўғрилаб бер!

Сени қандоқ топай сўқир кўзим билан?  
Боролмайман бундай қаро юзим билан.  
Йўл четида турибман мен бегонадай,  
Таништириб қўйгин энди ўзим билан.

## УМР ДАРАХТИ (Туркум)

### I

Умрим дарахтини силкитиб кўрдим,  
Пажмурда лаҳзалар тўкилди дув-дув.  
Яшалмаган кунлар, отмаган тонглар  
Ва яна хавотир, умид ва кўркув.

Умрим дарахтини силкитиб кўрдим,  
Йўл қараб сарғайган кўзлар тўкилди.  
Қинидан чиқмаган қилич мисоли  
Дилда занглаб қолган сўзлар тўкилди.

Умрим дарахтини силкитиб кўрдим,  
Тўкилди бағримдан оғриқлар сим-сим.  
Тўкилди бемажол сукунатлар-у  
Кишанлаб қўйилган исёнларим.

Умрим дарахтини силкитиб кўрдим,  
Ям-яшил барглари орзудан сўзлар.  
Ажаб, япроқлари сарғайган сари  
Самога тутшиб борар илдизлар.

### II

Замҳарирда гуллаган дарахт  
Маъюс турар, ҳайрона турар.  
Унинг юпун новдаларида  
Болталарнинг изи кўринар.

Бироқ унинг япроқларида  
Яшар умид, ишонч, илтижо.

Гуркирамоқ, гулламоқ ҳисси  
Кириб борган илдизгача то.

Шундан кўкка талпиниб яшар,  
Шу умид тарк этмаса бўлди.  
Тирикликнинг бўронларида  
Ўтин бўлиб кетмаса бўлди.

### III

Умрим — муаззам дарахт,  
Бағрида яшар оташ.  
Илдизлари самода,  
Шохлари ерга туташ.

Узанган ҳар қўл етар,  
Кўкданми ёки ердан.  
Муҳаббатдан сув ичиб,  
Озиқланар меҳрдан.

Қадди эгилган бироз,  
Шамоллар силкиб кетган.  
Шохларига булбуллар,  
Қарғалар қўниб ўтган.

Қисматда мангулик йўк,  
Омонатдир у ерга.  
Соя берсам дер фақат,  
Ўтган ҳар мусофирга.

\* \* \*

Қор ёғди,  
Оқликка бурканди дунё,  
Кимдир шивирлади, кўкка зорланди:  
— Ё Раб, тирикликнинг айёмларида,  
Кўрармиканман яна қорларни!

Қор секин ёғарди майин ва маъсум,  
Кимдир шивирлади, чакнаб кўзлари:  
— Яхшиям қор ёғди, қутқарди Ўзи,  
Энди босилади изларнинг бари!

\* \* \*

Азмингга не дердим, кўниб боряпман,  
Орзуларни дилга кўмиб боряпман.  
Турткилаб ўтмоқда ўнгу сўлимдан,  
Барига кўзимни юмиб боряпман.

Бошимдан маломат тошлар ўтмоқда,  
Кўзимдан шашқатор ёшлар ўтмоқда,  
Минг шукр, барига дошлар ўтмоқда,  
Мен эса ҳайратга чўмиб боряпман.

Даҳри дун коридан ҳайрон олдимда,  
Ободлиғ истаган, вайрон олдимда,  
Гирён олдимда-ю, бирён олдимда,  
Жумбоқлар ичида сўниб боряпман.

Тириклик карвони ўтиб борадир,  
Минг йиллик чинорлар кетиб борадир,  
Кўнгилга хавотир етиб борадир,  
Кундан-кун тупроққа дўниб боряпман.

Начора, барига кўниб боряпман.

## ҚОРЛИ КУНДА

Хорғин боғлар аро ёғар момик қор,  
Паришон дарахтлар туришар юпун.  
Қорбобога пешвоз чиққан болалик  
Қиш ҳақида кўшиқ бошлайди маҳзун.

Дераза ёнида турар у ҳиссиз,  
Жунжиккан боғлардек сочлари оппоқ.  
Билмассиз, сиз унинг боғлари аро,  
Қорлар ёғиб ўтган саратондаёқ.

Хорғин боғлар аро ёғар момик қор,  
Оппоқ хаёлларга тўлади бўшлиқ.  
Чўққилардан тушиб келган шамоллар,  
Яйдоқ далаларда бошлайди кўшиқ.

Фақат у куйламас, термулар кўкка,  
Саркаш шамолларга айтмас розини.  
Билмассиз, умрининг фаслларида  
Бўронларга бериб қўйган созини.

Ташқарида ҳамон ёғар момик қор,  
Дарахтлар паришон турар эгиб бош.  
Тилсимлаб қўйилган баҳодир мисол,  
Дераза ёнида турар харсанг тош.

## УМР

Туғилди... қолгани кўп оғир кечди,  
Буюк муҳораба бошланди бирдан.  
Гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб фасллар ичра,  
Етмиш йил курашди тириклик билан.

Сарғайди умиди, сарғайди умри,  
Бахт излаб бахтсизлик, ҳижрон чоҳида.  
Гоҳо қаҳратонда баҳорни кучди,  
Саратонда қорлар ёғди гоҳида.

Ниҳоят йиқилди, кетди мадори,  
Юрмоққа ҳоли ҳам қолмади бошқа.  
Барига улгурди дунёда, аммо  
Улгуролмай қолди фақат яшашга.

## ЁЛҒИЗ АЁЛ

Кеча узун.  
Тонг ҳали узоқ.  
Жовдирайди аёлнинг кўзи.  
Неча йилки, шу узоқ йўлни  
Босиб ўтар унинг бир ўзи.

Кўринмайди йўлнинг поёни,  
Кетиб борар мунгли ва музтар.  
Тошдек қаттиқ кечаларда гоҳ,  
Тушларига чимилдиқ кирар.

Хўмраяди кўкда юлдузлар,  
Тўлғонади,  
болишлар ботар.  
Қаро тундек бир қучоқ сочлар,  
Кечаларга сочилиб ётар.

Чорлагандек бўлади кимдир,  
Титраб кетар у хавотир-ла.  
Имлар уни михлаб қўйилган,  
Девордаги мунгли хотира.

Хўрсинади бепоён кеча,  
Юраккача бир оғриқ етар.  
Сўнгра кеча ёлғиз аёлнинг  
Нафратидан оқариб кетар.



## ҲОЛАТ

Туннинг қаро сочлари аро  
Ойнинг сути тўкилиб кетар.  
Қайлардадир адашиб қолган  
Турналарнинг қарвони ўтар.

Сўнгра оғир тин олар кеча,  
Олисларда шамоллар ухлар.  
Сукунатни чўчитиб гоҳо,  
Шивирлашиб қўяр дарахтлар.

Самолардан тўкилган жимлик  
Лаҳзаларнинг бағрига ботар.  
Ойдин туннинг бир чеккасида  
Ғижимланган бир юрак ётар.

## СОҒИНЧ

Тонгга довур хўрсинди осмон,  
Сени узок ўйлаб ўтирдим.  
Юз-кўзимни ювди ёмғирлар,  
Томчиларда аксингни кўрдим.

Сени узок ўйлаб ўтирдим,  
Қонаб кетди кўнгил синиғи.  
Томоғимга келиб тиқилди,  
Минг йилларни кўхнартган йиғи.

Юз-кўзимни ювди ёмғирлар,  
Қорлар ёғди руҳимга маним.  
Кўксимдаги буюк соғинчга,  
Дунё тўлди, бироқ дил ярим.

Томчиларда аксингни кўрдим,  
Оғир кечди бу ҳижрон туни.  
Сенга яна юзимни бурдим,  
Ғаминг билан поклагин мени.

## АЛАМ

Ҳаёт — қўшиқ.  
Ҳар ким куйлаб ўтадир,  
Биров ўйлаб, биров ўйнаб ўтадир.  
Фақат аро йўлда қолиб бир умр,  
Бировнинг қўшиғин айтмоғинг алам.

Дунёнинг савдоси ранжу озордан,  
Гоҳо дўстинг сотар воз кечиб ордан,  
Сен эса шундайин арзон бозордан,  
Қуруқ хуржун билан кетмоғинг алам.

Осимон юкига елкангни тутиб,  
Ўтмаган кунларинг ғамини ютиб,  
Бу бахтсиз йўлларда мудом бахт кутиб,  
Бағрингни лолазор этмоғинг алам.

Келсанг-у дунёга ғавғолар солиб,  
Йўл юрсанг, мўл юрсанг — уммонга бориб,  
Дуру жавоҳирлар бир ёнда қолиб,  
Бир қултум сув билан қайтмоғинг алам.

## ТАРИҚАТ

— Қайт! — дейсан,  
Кўзингда қалқийди оғриқ.  
— Ўзни йўқлик сари йўлламоқ нечун?  
Мен эса тунлари кўкка ёлворгум,  
Бу йўллардан омон қайтмаслик учун.

\* \* \*

Нега сизнинг бунча бошингиз эгик?  
Саратон тафтида кўзларингиз — муз?  
Айтинг-чи, қолдими бисотингизда,  
Бирорта ҳайқирик,  
                    бирор тирик сўз?

Ўрнингизга биров яшаётгандай,  
Чиқиб кетолмайсиз нега бу издан?  
Бунча тинч ухлайсиз тўшагингизда,  
Чўчиб тушинг ахир,  
                    илтимос сиздан!

\* \* \*

Сизга нима бўлди,  
                бунча бахтлисиз?  
Нега бошингиздан баҳорлар кетмас?  
Заминнинг фарзанди эмасмисиз ё?  
Бунчалар юксаксиз, овоз ҳам етмас.

Бироқ ҳар парвознинг қайтажаги бор,  
Қарзга олгансиз-ку ахир бу жонни!  
Тутиб қолай деса бирор қўл етмас,  
Шундай юксакликдан қулаш осонми?

\* \* \*

Дедим: осийдурман, тоатим оздир.  
Дединг: тириклигинг бир имтиёздир.

Дедим: висолингга етмас тоқатим,  
Дединг: тоқатингга хосдир тоатим.

Дедим: васлталабман, Ўзинг билурсан,  
Дединг: юкинг оғир, қандоқ келурсан?

Дедим: майхонада мастона мен ҳам,  
Дединг: қадаҳларинг бўм-бўш-ку, бандам!

Дедим: ишқпарастман, даъволарим бор,  
Дединг: сенинг фақат ғавғоларинг бор.

Дедим: Борлигинг ва Бирлигинг билдим,  
Дединг: билсанг нечун исёнлар қилдинг?

Дедим: йўл тополмай қийналиб кетдим,  
Дединг: ақл бердим, мукаррам этдим.

Дедим: ҳайронаман бу кўхна дунда,  
Дединг: ҳайроналиғ ҳали олдинда.

Дедим: кўрқитмагил, озурда жонман,  
Дединг: Мендан кўрққанларга Раҳмонман.

Дедим: ҳолим забун, Ўзинг кўурсан,  
Дединг: асли шунга лойиқ эурсан.

## **ИЛТИЖО**

Қачон йиқилиб тушдим,  
Кўнглим бунча лат мани.  
Рутубатли туманда  
Йўл қани, осмон қани?

Юролмайман... елкамга,  
Оғир нималар ортдим.  
Нажот фақат Ўзингдан,  
Буткул заминга ботдим.



## ЭЙ, СЕН...

(Туркум)

\* \* \*

Эй Сен, хилқатингни синоат қилма,  
Кетар йўлларимни залолат қилма.  
Мен-ку бўлганимча бўлдим дунёда,  
Энди Сен Маҳшарда адолат қилма!

\* \* \*

Эй Сен, менинг ошиқлигим билмайсанму?  
Қурук даъволарни кўзга илмайсанму?  
Дунёнинг дорида турибман, қара,  
Қутқазмоққа келмайсанму, келмайсанму?!

\* \* \*

Эй Сен, менга кўрсатганинг борса келмас,  
Бу не савдо, берганингдан кўнгил тўлмас.  
Ахир, менга қанақа соз узатдинг Сен,  
Айриликдан бошқасини чалиб бўлмас.

\* \* \*

Эй Сен, қара, кўксим аро дарзларим бор,  
Алмисокда Сендан олган қарзларим бор.  
Бу омонат менга жуда оғир келди,  
Борсам Сенга айтадиган арзларим бор.

\* \* \*

Эй Сен, Соқий, қарам этгил, тўлдириб қуй,  
Хобгоҳида дунё ётар — бир парирўй.  
Қара, унинг қучоғида мудраб борар,  
Ухламасдан бурун уни уйғотиб қўй.

\* \* \*

Эй Сен, айтгил, олисми бу йўл ораси?  
Тузалмасми энди сира дил яраси?  
Сенга қандай юзланаман Маҳшар куни,  
Бўм-бўш турса тарозининг бир палласи!

\* \* \*

Эй Сен, мендан сўрама ҳеч, кечириб қўй,  
Қон дилимни дафтаримга кўчириб қўй.  
Ёзиқларим очиб кўрмай, қалбимдаги  
Муҳаббатдан бошқасини ўчириб қўй.

\* \* \*

Эй Сен, дилга эккан ниҳол, ҳазонлиғ не билмасмиш,  
Икки дунё азиз эрмиш, арзонлиғ не билмасмиш.  
Кўз ёшлардан кўкариб ул, бир куни мева берса,  
Ҳосилини олган қулинг армонлиғ не билмасмиш.

\* \* \*

Эй Сен, айт-чи, асли ўзи қай ёқдаман,  
Қанча яқин келсанг шунча узокдаман.  
Ўзинг озод қилмасанг гар бир кун келиб,  
Боролмайман, тузоқдаман, тузоқдаман.

\* \* \*

Эй Сен, қара, кўзларимни ковлар бир кас,  
Яна бири туя ютиб кўрдим демас.  
Келганимдан буён излаб тополмайман,  
Нега бунинг биронтаси бутун эмас?

\* \* \*

Эй, Сен айтган томонда кўп йўлни кўрдим,  
Ўнгни ғажиб бораётган сўлни кўрдим.  
Бунча ажиб томонларга йўлладинг Сен,  
Оташларда музлаб ётган дилни кўрдим.

\* \* \*

Эй Сен, ахир биласан-ку беҳабарман,  
Билмаганим учун бунда беҳатарман.  
Қара, қандай ошиқ бўлдим дунёга мен,  
Бу савдони энди қандай тўхтатарман?

\* \* \*

Эй Сен, қара, қандай ажиб тақсимотинг,  
Шу сабабми Холиқ эрур битта отинг?  
Аmmo... баъзан иккиланиб қолишим бор,  
У дунёда эмасмиди Пулсиротинг?!

\* \* \*

Эй Сен, менинг ёқамдаги кўлларни кўр,  
Қаршимдаги борса-келмас йўлларни кўр.  
Раҳматингсиз ўтиб бўлмас довонлардан,  
Кўксимдаги қақраб ётган чўлларни кўр.

\* \* \*

Эй Сен, энди бу уйқуни бузмоқ керак,  
Дунё билан ришталарни узмоқ керак.  
Ер остида тинч ётишни истаганлар,  
Ер устида бугун режа тузмоқ керак.

\* \* \*

Эй Сен, қара, яшамокқа бермас изн,  
Ортимдаги армонларим тизим-тизим.

Сен маломат қилаверма нолишимни,  
Кўрмадингни, қалбимдаги оёқ изин?

\* \* \*

Эй Сен, кўргил, энди сабру саботим йўқ,  
Пешонамни ўқий десам саводим йўқ.  
Беш кун муҳлат берган эдинг — ўтиб борар,  
Нега хануз яшай десам ҳаётим йўқ?

\* \* \*

Эй Сен, менинг ҳолимнинг харобини бир кўргил,  
Гуллаган орзуларнинг саробини бир кўргил.  
Бу уй ажиб майхона, қадаҳ сунар куну тун,  
Остонада турибман, шаробини бир кўргил.

\* \* \*

Эй Сен, хавотирим ортар кун сайин,  
Борар йўлларимни айлагил тайин.  
Мен ношуд сайёдман, қўлимдан тутгил,  
Ўзимни нишонга олиб қўймайин!

\* \* \*

Эй Сен, Ўзинг карам этгил, тоатим йўқ,  
Бу юкингни кўтармоққа саботим йўқ.  
Парвонадай ўзим шамга урай дейман,  
Лек шамгача олиб борар қанотим йўқ.

\* \* \*

Эй Сен, кетаяпман айтгил қай томон,  
Бу сафардан энди қачон қайтаман?  
Турткилайвермасин ўнгу сўлимдан,  
Йўкса бир кун Сенга бориб айтаман!

\* \* \*

Эй Сен, энди Ўзингдан ёт бўлмакдан асрагил,  
Сафаримнинг сўнггида дод бўлмакдан асрагил.  
Беаёв рақиблара рўбарў этдинг мени,  
Бу хатарли ўйинда мот бўлмакдан асрагил.

\* \* \*

Эй Сен, менга қанот берсанг, учиб кетсам,  
Оёқдаги занжирларни ечиб кетсам.  
Бир кун келиб изн берсанг, раҳм қилсанг  
Одам Ато ҳовлисига кўчиб кетсам.

\* \* \*

Эй Сен, қара, манави кас ёкам йиртар,  
Бунисининг ситамлари жонга етар.  
Мен ўзимни беркитолмай оввораман,  
Нархим билса, иккиланмай сотиб кетар.

\* \* \*

Эй Сен, мени яратдинг минг бир озор ичинда,  
Хомталаш бўлиб ётур умрим бозор ичинда.  
Бу шундай қимор бўлди, жонимни тикиб қўйдим:  
Арқон учи Сенда-ю, бошим шу дор ичинда.

\* \* \*

Эй Сен, менинг дилимга хўп қувончли ғам бердинг,  
Шу ёруғ ғамларни деб кўзларимга нам бердинг.  
Фақат Сенинг ҳимматинг ҳикматини билмайман:  
Нима берсанг, баридан доим битта кам бердинг.

\* \* \*

Эй Сен, Ўзинг карам этгин, инсоф бергин,  
Бош қўймоққа меҳроб бергин, тавоф бергин.  
Бу жумбоқлар ичра ёлғиз ташлаб қўйма,  
Гоҳ-гоҳида сўровимга жавоб бергин.

\* \* \*

Эй Сен, кара, сабрим тўла, кўнгил ярим,  
Ахир менинг тугаб борар имконларим.  
Мен ҳам ерда ишқ овлаган сайёд эдим,  
Лек нишонга тегмас сира пайконларим.

## **ЗИКР**

Мен йўқ эдим, бор қилдинг,  
Ишқингга иқроқ қилдинг,  
Сўнг Ўзинг ташлаб ерга,  
Нечун бунча хор қилдинг?  
Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Кунларим ўксиб борар,  
Дардларим ўсиб борар,  
Сенга етмаган оҳим  
Осмонни тўсиб борар.  
Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Айрилиқдан безорман,  
Бечораман, беморман.  
Ўзинг мангу эт, ёҳу  
Лаҳзаларингга торман.  
Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Ахтараман... ўзим йўқ,  
Сенсиз менга тўзим йўқ.  
Ўзинг кўр аҳволимни  
Сўрамоққа юзим йўқ.  
Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Насимларда нафасинг  
Тонг бўйларида сасинг.

Энди бир эшик кўрсат  
Бунча тор бу қафасинг.  
Ё Аллоҳу ё Аллоҳ,  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ!



\* \* \*

Эй, дўст, букун бағримга бок,  
Мозорларни томоша қил.  
Юрагимда қулаган тоғ,  
Озорларни томоша қил.

Томоша қил, дунёсини —  
зулматини, зиёсини,  
риёсини, рўёсини,  
Кир, дорларни томоша қил.

Узун, ҳазин нолаларни,  
Ашки селоб жолаларни,  
Кўкси хуноб лолаларни,  
Беморларни томоша қил.

Ишқдан бўлак даъвоси йўқ,  
Дилда тилак, навоси йўқ.  
Бу даргоҳда равоси йўқ,  
Безорларни томоша қил.

Камоли йўқ, заволи кўп,  
Жавоби йўқ саволи кўп,  
Харидордан даллоли кўп,  
Бозорларни томоша қил.

\* \* \*

Сарғарган япроқлар саррин елларда,  
Сўнмоққа шайланган шамга ўхшайдир.

Сўнмоққа шайланган шамнинг жонсарак,  
Ахволи менигдай тангга ўхшайдир.

Дунё деган сўзнинг маъноси турфа,  
Шундан кўнглим ҳангу мангга ўхшайдир.

Ахир ўртамизда шу битта дунё,  
Гоҳ сенга, гоҳида манга ўхшайдир.

Саволли дунё бу, жавобсиз дунё,  
Жумбоғи камалак рангга ўхшайдир.

Кеча ва кундузнинг юкин кўтариб  
Яшамоқ энг буюк жангга ўхшайдир.

\* \* \*

Бор экану, йўқ экан...  
Кўксимга ботар тикан.  
Мен шундай яшаяпман,  
Яшаш ўзи шулмикан?

Оқмикан, қорамикан,  
Кенгмикан ё тормикан?  
Кўнглим бозорда қолган,  
Харидори бормикан?

Кетаяпман, манзилим,  
Камолми, заволмикан?  
Нега дунё боқар жим,  
Жавобсиз саволмикан?

Сен якто — Биру Борим,  
Ишқинг менга дормикан?  
Сенсиз ўтган кунларим,  
Бошимдаги қормикан?

Илҳақ боқдим самога,  
Етмоғим душвормикан?  
Ҳеч юролмайман нега,  
Кўкка йўлим бормикан?

Ишқ дедим, орзугоҳим,  
Кузмикан, баҳормикан?  
У кун менга нигоҳинг,  
Раҳмонми, Қаҳҳормикан?

## ҲАЁТ

Неча йилга маҳкум этишди?  
Оғирмиди шунча гуноҳим?  
Қачон, қайга ташлаб кетишди?  
Йўқми энди бошқа паноҳим?

Кишанларни ечиб бўлмасму?  
Таваллолар етиб борса-да.  
Нажот жоми сира тўлмасму?  
Нечун бу май синик косада?

## БОЗОРДАМАН

Бозор тўла тужжор...

бозор тўла ғам,

Расталарга териб қўйибман қўнглим.

Бозор тўла тужжор, қайрилиб боқмас,

Бунда харидордан даллол кўп, Тангрим.

Бозор тўла тужжор...

кузатади Вақт,

— Кўнгил йўқ... тугаган... оввора бўбсиз.

О, менинг азизим, о, харидорим,

— Юрагимни қанча нархлаяпсиз сиз?!

Бозор тўла тужжор...

тиззагача лой,

Торткилайди биров,

тортар аллаким.

Аллоҳим, бозоринг қанақа бозор?

Ахир қолмаяпман ўзимга ўзим.

\* \* \*

Осмондаги бўзтўрғай,  
Бўзламасанг не бўлғай?  
Самода ҳам кун йўқми,  
Бағринг ғуссага тўлғай?

Осмондаги бўзтўрғай,  
Қара, кўнглим муз, тўрғай.  
Дунёнинг бир ками деб,  
Менинг камим юз, тўрғай.

Осмондаги бўзтўрғай,  
Кўнгилдошим, дўст тўрғай.  
Айт-чи, манов дунёнинг,  
Баҳоси қанча турғай?

Осмондаги бўзтўрғай,  
Боғларимда куз, тўрғай.  
Мен ҳам ўзим овутай,  
Ўргат битта сўз, тўрғай.

Осмондаги бўзтўрғай,  
Бўзламасанг не бўлғай?  
Охларингдан менинг ҳам,  
Бағрим ғуссага тўлғай.

\* \* \*

Қадахдаги — дунё — тахир, азизим.  
Ичмоққа маҳкуммиз ахир, азизим.

Энди саҳарларда кўксингни очгил,  
Оғриқларга тўлсин бағир, азизим.

Самоларга туташ битта йўл ахтар,  
Ердаги йўллари чағир, азизим.

Яшашга маҳкуммиз, яшаш-чи, эвоҳ,  
Яшамасликдайин оғир, азизим.

## ҚУЁНБОТИР ҚИССАСИ

Унча олис эмас, яқин замонда,  
(Аниқ билолмадим қайси томонда).

Дарёларга туташ ўрмон бор эди,  
Унда жонзотларга дармон бор эди.

Яшардилар тулки, бўри, олмахон,  
Ҳамма ўз ризқин еб сақлар эди жон.

Яшар эди ҳар ким ҳаёти билан,  
Ўзининг кўшиғи, баёти билан.

Ана шу мўъжиза ўрмон четида,  
Оппоқ қайинларнинг кунгай бетида —

Кўм-кўк майсазорда шодумон, қувноқ,  
Бир гала қуёнлар яшарди иноқ.

Ўртада оқибат шоҳона эрди,  
Битта сабзи топса, қирқ бўлиб ерди.

Нима жин урди-ю билмадим уни,  
Қуёнлардан ботир чикди бир куни.

— Бас, етар хавотир, қўрқув, ҳақорат!  
Қачонгача ғурур этилгай ғорат!

Барини енгамиз ҳамжиҳат бўлсак,  
Ахир буюк шараф шу йўлда ўлсак!



Қуёнботир ёниб нутқ этар эди,  
Майсазорни шовқини тутар эди.

Ўт чакнаб кетарди унинг кўзидан,  
Жасорат томарди ҳар бир сўзидан.

Минбарда турарди гўё жаҳонгир,  
Қавм эса бу сўздан титрарди дир-дир.

— Овозингни ўчир, — деди бир қуён. —  
Бўрихон эшитса қолгани аён!

— Бўри бўлса нима, ўзига, — деди. —  
Кўрсатиб қўяман кўзига, — деди.

Қавм аҳли кўрқувдан донг қотиб қолди,  
Шунда бир донишманд қуён сўз олди:

— Болам, бизни кўрқоқ деганлари чин,  
Бироқ бундан хафа бўлмоғлик нечун?

Ахир бу қисматга доим шерикмиз,  
Асли биз шу кўрқув билан тирикмиз.

Азалий ҳақиқат ўлмайди, болам,  
Қуённинг ботири бўлмайди, болам!

Кўрқув билан бутун бу ҳаёт жоми,  
Кўрқув — яратганнинг буюк инъоми!

Аччиқ ҳақиқат шу: дунё тургунча  
Қанча кўрқоқ бўлсанг, яшайсан шунча!

Қуёнботир аламдан қах-қаха отди,  
Сўнгра Шерга ўхшаб бир наъра тортди:

— Мангу ҳақиқатлар синади энди,  
Бўрилар ҳам бунга кўнади энди!

Минбарни тарк этди қуёнлар зўри,  
Пастда уни кутиб турарди бўри.

— Сенми хали, — деди бўри тутоқиб,  
Йиртқич тишларидан сўлаги оқиб, —

Бунча ҳайқирасан, жондан тўйдингми?  
Ёки бизни писанд қилмай кўйдингми?

Шартта бўғизлади қуёнботирни,  
Аслида ўлмоғи аён ботирни.

Қолганлар ҳам тегирмон тошида эди,  
Аччиқ ҳақиқатнинг қошида эди.

Оч бўри ғажирди қоқ устихонни,  
Шер бўламан деган шўрлик қуённи.

Шунда не бўлди-ю, ака бўрихон,  
Тишини синдириб олди ногаҳон.

Аҳли қавм фалокатдан титраб кетди,  
Кўзлари жовдираб марҳамат кутди.

Шу пайт кўпни қўрган донишманд қуён,

Журъат билан чиқиб ҳайқирди:

— Эълон!!!

— Дўстлар, бошимизга тушди яна иш,  
Бўрининг ташвиши бизнинг ҳам ташвиш!

Бу савдодан қайга қочамиз, дўстлар!  
Синган тишга аза очамиз, дўстлар!

\* \* \*

Эзиб-эзиб ёғарди ёмғир,  
Шамолларга юзингни тутдинг.  
Телбалардек кулдинг,  
йиғладинг,  
Сўнгра кетдинг,  
беомон кетдинг.

Кетаяпсан ҳамон қайдадир,  
Изларингда кўзларим гирён.  
Сенсиз қолган ўша кечанинг  
Ҳали тонги отмади, ишон.

Ишон, ўша совуқ шамоллар,  
Қаршисида ҳамон турибман.  
Кетолмайман.  
Ўша ёмғирли  
Кечаларда яшаб юрибман.

\* \* \*

Қорли кеча.  
Музлаган олам.  
Музлаб қолган сукунат ҳатто.  
Фақат унинг ёди беомон,  
Кириб борар юраккача то.

Чўчиб тушар сукунат ногоҳ,  
Шовуллайди дарахтлар бирдан.  
Қайлардадир, олис-олисида  
Итлар ҳура бошлар дафъатан.

Ғуссаларга тўлган хонада,  
Чарх уради саволлар бетин.  
Хўрсинади... у ҳам итларнинг  
Овозини эшитдимикин.

\* \* \*

Мен сени йўқотиб қўйган бўлсайдим,  
Бахт қушимиз учиб кетган бўлсайди.  
Энди у кунларни қучиб йиғласам,  
Шундай армон насиб этган бўлсайди.

Энди зулматларга дўнган ҳаётим,  
Самода ой бўлиб ёритсанг тунда.  
Қанийди, мен сени йўқотган бўлсам,  
Қачонлардир топган бўлардим шунда!

\* \* \*

Хаёл эдинг қанчалар яхши,  
Нега хаёл бўлиб қолмадинг?  
Нега келдинг ғуссалар аро?  
Нега ачинмадинг, тонмадинг?

Тушларимда қолмадинг абад,  
Ўнгларимга бағри қон келдинг.  
Сенсизликдан тўлган бағримга  
Ёмон келдинг, беомон келдинг.

Олис эдинг юлдузлар мисол,  
Орзу эдинг, мусаффо, сўлим.  
Шундай буюк бахтни қолдириб  
Нега менга келдинг, айт, гулим?

\* \* \*

Қисматнинг қиличи “ялт” этди ногоҳ,  
Анор палласидай бўлиниб кетдик.  
Орзулар юзига сачраб кетди қон,  
Бу қадим йўллардан биз хато ўтдик.

Мен сени ҳеч кимга бермоқчимасдим,  
Бироқ ҳаммада сен, фақат менда йўқ.  
Мен бахтни мўлжалга ола билмадим,  
Бугун кўксимдадир ўзим отган ўқ.



## ҒАЛАМИС

Бу одамнинг касбу кори шу:  
Тош йиғади уйида ётиб.  
Бундан бошқа даромади йўқ,  
Тирикчилик қилар тош отиб.

Кўзида тош, сўзларида тош,  
Зуваласин тош билан қорган.  
Кўйнидаги тошлари унинг,  
Не-не мағрур бошларни ёрган.

Ўйларида кезинар оғрик,  
Юраклари ўртанар, куяр.  
Баъзан ердан зериккан кезлар  
Самога ҳам тош отиб қўяр.

Бу одамнинг касбу кори шу:  
Тош йиғади уйида ётиб.  
Худойимнинг ҳузурига у  
Бораётир фақат тош отиб.

\* \* \*

Сен ҳақингда айтишар фақат  
Ўша маъюс, маъсума толлар.  
Сен томонга бошлаб кетишар  
Ойнинг сутин ичган хаёллар.

Сенга сафар қиламан яна,  
Бисотимда умид ва қадар.  
Сени излаб сомон йўлидан —  
Борурман то юракка қадар.

Шунда бирдан музлайди руҳим,  
Хаёлларга урилар бир оҳ...  
Ҳувиллаган юракда сенинг  
Қабринг кўриб қоламан ногоҳ.

\* \* \*

Яна сукунатни бузди нигоҳинг,  
Соатнинг «чиқ-чиқ»и тинди дафъатан.  
Эшик ғижирлади.  
Сен бўлдинг пайдо,  
Хонани тўлдириб юбординг бирдан.  
Сўнгра маъюс боқдинг,  
жилмайдинг,  
кулдинг,  
Дераза ортига тикилдинг узоқ.  
Мен эса пойингга тиз чўкиб шу дам,  
Совуқ кўлларингни ушладим,  
бирок...  
Кўлларим ҳавода муаллақ қотди,  
Соатнинг «чиқ-чиқ»и бошланди бирдан.  
Эшик ғижирлади.  
Сен чиқиб кетдинг,  
Сукутга айланиб қолдинг дафъатан.  
Юрагим увишди сукунатиңдан,  
Кетишинг руҳимга титроқлар солди.  
Сўнгра сукунатнинг бағридан чиқиб,  
Кўзларинг қалбимга санчилиб қолди.

\* \* \*

Сиздан кетиш қанчалар осон,  
Кетиш мумкин бесадо, беиз.  
Дунё қадар кетиш ҳам мумкин,  
Кетиш мумкин ҳатто кўз ёшсиз.

Эрта учган турналар мисол,  
Кетса бўлар мутлақо беғам.  
Сиздан кетиш шунақа осон,  
Кетолмайман шунинг учун ҳам.

\* \* \*

Синиб кетди сукунат ногоҳ,  
Эшитилди қадам товуши.  
У сен эдинг, чунки бу йўлни  
Билмас эди ҳали ҳеч киши.

Тийрамоҳнинг япроқларидай  
Титраб кетди қалбим ногаҳон.  
Ахир, ҳеч ким ўтмаган йўлдан  
Келар эдинг юракка томон.

Шундан буён кўзларим йўлда,  
Ўлтирибман дилхун ва дилгир.  
Қадамларинг эшитилар-у,  
Кўринмайсан ўзинг негадир.

Билмам, қайда тугади йўлинг,  
Мен-чи, ҳамон кутиб турибман.  
Келолмадинг, мен эса ҳануз  
Шарпанг билан яшаб юрибман.

\* \* \*

Озод эдим, обод эдим,  
Бўғзингда бир фарёд эдим.  
Бу нолани куйламасанг,  
Барбод эдим, барбод эдим.

Сенсизликдан безор эдим,  
Хаёлингда бедор эдим.  
Асли Табиб хаста қилган  
Бемор эдим, бемор эдим.

Сенсиз кунлар узун эди,  
Оғир эди, хузун эди.  
Кўзларингга қаролмасдим,  
Афсун эди, афсун эди.

Билмам, қай кун жудо бўлдим,  
Бу ҳажрда фидо бўлдим  
Ва кўнглингда сенинг мангу,  
Садо бўлдим, садо бўлдим.

\* \* \*

Мени шамолларга айлантриб қўй,  
Яйдоқ далаларга ўзимни отай.  
Махзуна боғларга бўлиб мунгли куй,  
Ўксик қояларга бош қўйиб ётай.

Мени шамолларга айлантриб қўй,  
Унга етишмоқдир кўнгил матлаби.  
Хувиллаб ўтайин деразасидан,  
У менинг умримдан ўтгани каби.

Мени шамолларга айлантриб қўй,  
Токи унинг ёди олмасин тутиб.  
Токи қайғуларга тўлган жисмимни,  
Бир куни кетайин ўзим тўзғитиб.

Мени шамолларга айлантриб қўй...

\* \* \*

Таҳрир қилиб бўлмас тақдирни,  
Пешонани ўчириб бўлмас.  
Ёки ўзга пешоналардан  
“Бахт” сўзини кўчириб бўлмас.

Агар мумкин бўлганида ҳам,  
Қийнаб ўтирмасди у ўзни.  
Билар эди, шўрлаган ерга,  
Асло экиб бўлмас бу сўзни!



\* \* \*

Кеча тунда ой туғди  
(Отасиз туғди яна)  
Ҳеч ким кўрмасин дея  
Оқ-укпар булутларга  
Олди аста йўргаклаб.  
Бироқ элнинг оғзига  
Элак тутиб бўлмади  
Кўк тоқида юлдузлар  
Иғво қилди.  
Қўймади.  
Шунда кўкнинг юзидан  
Ўн беш кунга бош олиб  
Кетди муштипар она!

\* \* \*

Мен кўксингга бошимни қўйдим,  
Кўксинг узра кетди ўксик бош.  
Энди вужудингда шивирлаётган,  
Менман...

Энди йиғламагин, йиғласанг агар,  
Кўз ёшларинг ногоҳ томар юзимга.  
Шунда юрагингда сесканиб тушган,  
Менман...

Энди ҳижронларга берма бағрингни,  
Ахир унда яшар яна бир ҳаёт.  
У ҳаёт — менман!

## ТУНДА

Паймона тўлди бу кеча,  
Севгимиз ўлди бу кеча.

Оғир-оғир йиғилардан  
Беланги бўлди бу кеча.

Бошимизга шаън юлдузлар,  
Тошларин отди бу кеча.

Ой осмоннинг қоқ кўксига  
Тиғ бўлиб ботди бу кеча.

Бағримизга чўкди зулмат,  
Биздан ўтмади бу кеча.

Қалбимизда жон берди у,  
Тонгга етмади бу кеча.

\* \* \*

Ишонманг бу кўнгил эртакларига,  
Унда хиёнатнинг кўп нишонаси.  
Шу маъюс термулган нигоҳлар асли  
Қанча нигоҳларнинг оғриқхонаси.

Унинг юрагига ачинасиз сиз,  
Кўксингизни юлиб “ол” дейсиз — малҳам.  
Аслида бу юрак бир мозорхона,  
Битта лаҳадида ётибман мен ҳам.

## НЕГА?

Мен қанча яшадим, минг йилми, бир кун?  
Асли туғилдимми, ўлдиммикин ё?  
Мен билан тўлгандек бўлдимми кўнглинг?  
Айт, қайси корингга ярадим дунё?

...Мендан-ку сўрама, вужудим сўроқ,  
Жоним парвонадай куяди шамда.  
Нега минг камимни ҳеч ўйламайсан,  
Нега битта каминг доим елкамда?

...Дунё?...

## ҚАЙТИШ

Кетаяпман.  
Меҳр истадим.  
Бир ҳафтага кечдим шаҳардан.  
Автобус ҳам тушунди мени,  
Нақ елкалаб олди саҳардан.

Кетаяпман.  
Поёнсиз йўллар,  
Судралади ортимдан бесўз.  
Ўриндикда ухлайди соғинч,  
Ичиб борар йўлни автобус.

Саратонда қовраган қирлар  
Кўзларимга урилар келиб.  
“Ана!” дейман, автобус тўхтар.  
Соғинч қолар аста тўкилиб.

Оёғимни қучоғлар ногоҳ,  
Болалигим тўкилган тупроқ.  
Подалари қайтган маҳали  
Мени кутиб олади қишлоқ.

Юракдаги тўлғоқли ҳислар,  
Киборларча ҳайқирар бирдан:  
— Ахир бу мен, шоир, келяпман,  
Тошкент деган азим шаҳардан!

Пахса девор паналарида,  
Пичир-пичир кўкка бўй чўзар.  
Қишлоқ аста қошин чимириб:

— Ким у? — дейди — Алишер Назар!

Самосидан тушади Шахар,  
Қилмишидан ўзи уялиб.  
Мен қишлоқда ўсган шаҳарнинг,  
Йўлим тўсар андиша келиб.

Кўзойнакни сумкага жойлаб,  
Бўйинбоғ ҳам ечилар аста.  
Хаёлларин тупроққа белаб,  
Шахар Қишлоқ бўлар бирпасда.

Ўша сўқмоқ,  
ўша қари тол,  
Кўзларимга соғинч қуйилар.  
Мен Меҳрга сингиб кетаман,  
Йўл бўйида қолади Шахар.

## ОЙМОМО

Оймоможон, оймомо,  
Энди ҳолим вой, момо.  
Шундай кенг бу дунёдан  
Тополмайман жой, момо.

Уни олиб кетди-я,  
Тақдир ғолиб кетди-я.  
Ўртамизда оввора  
Бир сўз қолиб кетди-я.

Нима қилай бу сўзни,  
Кўксимдан кетмас кузни.  
Изиллайди умримда  
Яширолмайман ўзни.

Кўкка отсам — қорайди,  
Ерга отсам — торайди.  
Ҳувиллаб ётган кўнгил  
Шундан девона, дайди.

Оймоможон, хой момо,  
Сочларингни ёй, момо.  
Истасанг ювиб олгил,  
Кўз ёшларим сой, момо

Сендан ўзга сирдош йўқ,  
Дил ёрарга дилдош йўқ.  
Олиб кетгин бу сўзни  
Унда бошқа бардош йўқ.



Оймоможон, оймомо...

## СОҒИНЧ

Ҳар кеча йўқотиб қўяман сени,  
Тушларим тентираб борар сен томон.  
Йўлларим улоқиб кетар ҳар куни,  
Мени олиб кетар ёдинг беомон.

Билмайман, сен қачон ўтдинг бу йўлдан,  
Оғрийди қалбимда оёқ изларинг.  
Ахир ҳаётимга энди кун сайин,  
Ботиб борар икки қаро кўзларинг.

Нега қўниб ўтдинг сайёҳ қушлардай,  
Ёдингни қолдириб кетдинг айт, нечун?  
Кетмайсанми энди ширин тушлардай,  
Мен сени ҳар куни йўқотмоқ учун!

Ҳар куни йўқотиб қўяман сени...

## ТАВАЛЛОЛАР

1

Ҳар неки сўрадим, бердинг-у фақат...  
Сен менга ўзимни жуда оз бердинг.  
Яшашдек жазони берган Худойим,  
Куйини бермасанг, нега соз бердинг?

2

Тўлиб бормоқдаман, тўкилмай туриб,  
Аллоҳим, қалбимга наззора эт бир.  
Ахир саҳройингда ташна бир қулман,  
Мусофирман, мусофирман, мусофир!

3

Келдим... кетмоғимнинг нишонаси бу,  
Кетар йўлларимни кўрсатгин, Жаббор!  
Ўзим бу йўлларда бош урай десам,  
На девор бор менда, на пешона бор.

4

Чарчадим, назар сол бу йўллар аро,  
Ўзимни йўқотдим, Сени йўқотдим.  
Ишон, йўлсизликдан қийналмадим мен,  
Йўлим кўплигидан қийналиб кетдим.

5

Бўм-бўшман, кел, Ўзинг тўлғаз,  
Кўксимга кир, кўнглимга киргин.  
Танграм, ахир яшашим учун  
Йўқотишга нимадир бергин.

**6**

Бағримдан самолар кўчиб кетгандай,  
Ерда қолган кўнгил бўм-бўш, нотавон.  
Аллоҳим, Аллоҳим, айт, қачонгача  
Бир сиқим буғдойга тўлайман товон.

**7**

Шундайин дард берсанг, шундай ташналик,  
Дунёни бир қултум сув каби ютсам.  
Ўзимга кирсамда, сарҳадларимда  
Сени излайвериб йўқолиб кетсам.

**8**

Дунё оқиб борар беун, бесамар,  
Тошдай қаттиқ кунлар бошларим ёрар.  
Аллоҳим, Аллоҳим, менга аён эт,  
Кўксимда нимадир ўртаниб борар.

**9**

Кўлларим дуода, ҳовучим тўлмас,  
Сомон йўлларида ўлтираман жим.  
Илҳақман, интизорман, лек имдод бўлмас,  
Сабрим тўлиб борар, тўлмайди кўнглим.

**10**

Умримни бесамар кунларга сотдим,  
Бунда топганларим ҳаммаси — рўё.  
Берган омонатинг асрай олмадим,  
Қимматга тушди-ку менга бу дунё!

**11**

Буқун бозоримиз қизиб бородур,

Ғаддор дунё биздан ўзиб бородур.  
Рўёга харидор нафси баломиз,  
Икки дунёмизни бузиб бородур.

## 12

Кўнглимда йиғлайди минг йиллик фироқ,  
Сен менга яқинсан, мен Сендан йироқ.  
Сахарларда туриб сасинг излайман,  
Эй дўст, айрилиқдан бағрим минг қуроқ.

## 13

Кўлларим узанган яна Сен томон,  
Кўнглимда кўклардан ёғилган ҳукм.  
Бу чағир йўллардан юра олмайман,  
Ўзинг қўлла энди йўлчингни, Тангрим!

## 14

Гоҳида сиғмайди ёдимга ёдинг,  
Бир оғриқ бошланар бағримда сим-сим.  
Ахир Сенга қандай бахшида этай,  
Ўзимга етмаган ўзимни, Тангрим?

## 15

Манам мусофирман, соғинчларим мўл,  
Васлинг умидида кўзёшларим кўл.  
Сенга етолмайман туманлар аро,  
Агар кўрсатмасанг Ўзинг тўғри йўл.